

## Лексик компетенция коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми сифатида

Шохрухбек Шарибжон ўғли Ачилов  
Achilovshokhrh328@gmail.com

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада чет тилларни ўқитишда коммуникатив компетенцияни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг муҳим аҳамиятлари хақида ва коммуникатив компетенциянинг амалий ва назарий муаммолари, замонавий адабиётларда коммуникатив компетенция тушунчасига доир бир неча фикр мулоҳаза ҳамда таърифларнинг таҳлилий тузилиши хақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** лексик компетенция, коммуникатив компетенция, компетентлик, лексика, сўз ясалиши, лингвистик элементлар, лексик бирлик, лингвистик луғат

## Lexical competence as a component of communicative competence

Shokhrukhbek Sharibjan oglu Achilov  
Achilovshokhrh328@gmail.com

Uzbekistan State University of World Languages

**Abstract:** This article talks about the importance of the formation, development and improvement of communicative competence in teaching foreign languages, practical and theoretical problems of communicative competence, several opinions about the concept of communicative competence in modern literature and the analytical structure of definitions.

**Keywords:** lexical competence, communicative competence, competence, vocabulary, word formation, language elements, lexical unit, linguistic dictionary

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қодир, малакали, етук мутахассислар тайёрланишини таъминлашдан иборат. Бундай мутахассислар ўз дунё қарашларини такомиллаштириш ва бошқа мамлакатлар билан ижтимоий, сиёсий ва бошқа соҳаларга оид тажрибалар алмашишда чет тилини мулоқот воситаси сифатида ишлатишлари даркор. Айнан шу мақсадда чет тилларни

Ўқитишда коммуникатив компетенцияни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш мамлакатимиз таълим тизимида муҳим аҳамият касб этиб улгурган.

Замонавий адабиётларда коммуникатив компетенция тушунчасига доир бир неча фикр мулоҳаза ҳамда таърифлар келтириб ўтилган бўлиб унинг таҳлилий тузилишига доир қатор қарашлар мавжуд.

Ўтган асрнинг 60 - йилларида Д.Хаймс (Dell Hymes) “коммуникатив компетенция” концептини фанга киритди. Д.Хаймснинг фикрича КК грамматик, социолингвистик, стратегик, дискурсив компетенцияларни қамраб олади. Д.Хаймснинг ушбу назарияси чет тилларини ўқитишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Ўтган асрнинг 80 - йилларида М.Канейл (M.Canale) ва М. Свейн (M.Swain) КК назариясини ривожлантиришда давом этдилар ва ўша даврдан бошлаб ушбу тушунча кенг тарқала бошлади. Улар билимлар тизими ва қобилиятлар билан бирга мулоқотни шакллантирадиган коммуникатив компетенциянинг асосий тузилишини ишлаб чиқишди:

- грамматик компетенция (лексика, фонетика, тўғри ёзиш, семантика ва синтаксис);
- социолингвистик компетенция (аниқ нутқ жараёнида шакли ва тузилиши бўйича контекстга мос келувчи);
- дискурсив компетенция (оғзаки ва ёзма нутқда мантиқан боғланган ибораларни туза олиш);
- стратегик компетенция (чет тилда мулоқот жараёнида нутқий ва ижтимоий билимлардан келиб чиқиб тилни етарли даражада билмасликни муҳим манбалар билан компенсация қилиш).

Шунингдек коммуникатив компетенциянинг амалий ва назарий муаммоларини хориж педагог олимларидан Д.Уилкинс (Jennifer D. Wilkins), А.Хардинг (A.Harding), П.Хартман (P.Hartman), Д.Джонсон (D.Johnson), Н.Керр (N.Kerr), Ж.Хилл (J.Hill), М.Лонг (M.Long), П.Поттер (P.Potter), Брунер (Bruner), Жин Пижет (Jin Piaget)томонидан ўрганилган ва ҳозир такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатимизда ушбу термин 2000 йилдан кейин истеъмолга кенг кириб келди. Педагогик атамалар луғатида “Компетенция” - муайян муаммо ва масала, ҳодиса борасида шахснинг билим, тажриба, мутасаддиликка эга бўлиши ва уларни ҳал қилишга етадиган салоҳияти тушунилади дея тариф берилади. Жамол Жалоловнинг дарслигида коммуникатив сўзига “kommunikativ lot. kommunikatsiya - kommunikatsiya bilan bog‘liq; ~ akt (nutgiy amal/parcha /jarayon/muloqot) ~ birlik/topshiriq/yonalish / zarurat / muhit / malaka / vazifa~(-funksiya) maqsad / niyat / mashq;~ intensiv, interaktiv metod (chet til o‘qitish metodlaridan); ~ yonalish, metodika, usul; ~ kognitiv/kumulativ metod деб, компетенцияга эса “компетенция [lot. competentia < competo - intilaman ] : til ~ si

( tilga layoqat, til bilishga yaroqlilik, lisoniy (- nutqiy) iqtidor, saviya ) deb taъриф берилади. ”

Коммуникатив компетенция куйидаги асосий компетенциялардан иборат: лингвистик компетенция, социолингвистик компетенция, прагматик компетенция, лексик компетенция, грамматик компетенция, семантик компетенция, фонологик компетенция, орфографик, компетенцияси орфоэпик компетенция, прагматик компетенция. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки ҳар қандай тилни ўргатиш ва ўрганишда лексик компетенцияни шакллантириш жараёни катта қизиқиш ҳамда аҳамият касб этиб қўшимча изланишларни талаб қилади, чунки профессор Павлованинг сўзи билан айтганда “айнан лексик захирани бойитиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш тингловчиларнинг чет тилини билиш малакаларининг барча босқичларида асос бўлиб хизмат қилади”.

Чет тили лексик компетенциясини такомиллаштириш жараёни чет тили лексик захирасининг ўзаро боғлиқ ҳамда уйғун бўлган бирлигларини етарли даражада билиш ва ўзлаштиришни назарда тутаяди, шу ўринда айтиш жоизки лексик компетенция коммуникатив жараён асосида шакилланса, коммуникатив компетенция ҳам шубҳасиз лексик компетенция шакилланиши, ривожланиши, такомиллашиши билан бир қаторда шакилланади, ривожланади ҳамда такомиллашади. Лексик компетенция коммуникатив компетенциянинг таркибий қисимларидан бўлиб мулоқот қилиш учун мавзулар, нутқ ҳаракатларида суҳбатдошларнинг ижтимоий ва коммуникатив роли, мавзу турлари ва уларни тузиш учун зарур лингвистик элементларнинг ўзлаштирилишини назарда тутаяди.

Лексик компетенция деганда икки тилдаги лексик билимларни ҳажмини таққослай олиш, сўз маъносининг тузилишини аниқлай олиш ва сўздаги миллий маънони англай олиш ва лексик билимлар, малакалар, кўникмаларга асосланган билимлар назарда тутилади. Шунингдек Е.Н.Соловованинг фикрича “Лексик компетенция бу лексик элементларни ўзида жамлаган тилнинг луғат таркибини билиш ва уни нутқда ишлата олиш қобилиятидир, лексик элементлар деганда сўз бирикмалари, турғун сўз бирикмалари (фразали иборали феъллар), сўз ясовчи лингвистик элементлар (қўшимчалар), мураккаб предлоглар назарда тутилади. Лексик компетенцияни етарли даражада ўзлаштириш нутқ фаолиятининг барча турларида ижобий самара беради. Айнан шунинг учун ҳам Чет тилини ўргатишда асосий эътибор асосан лексикага қаратилади. Лексик компетенция продуктив ва рецептив турдаги лексик малакаларни такомиллаштириш асносида шакилланади, ривожланади ҳамда такомиллашади. Лексик компетенция такомиллаштириш деганда талабаларнинг чет тили лексик элементларини эгаллаши ва уни нутқда эгалланган билимлар,

кўникмалар тарзида амалий ишлатишини тушунамиз. Испан тилини ўрганаётган талабалар учун Лексик компетенция қуйидаги кўринишда бўлади.

- испан тили сўзидаги товушни ўхшата олиш;
- лексикондан сўзни дарҳол топа олиш;
- сўзни табиий шаклини билиш;
- лексик ва грамматик шаклда келадиган сўзни топа олиш;
- бирор предметни ажратиш ва унга доир лексикани ишлатиш;
- бир фикрни ҳар хил лексик манбалар билан ифодалай олиш;
- нотаниш сўзни гапдаги бошқа сўзлардан ҳамда лингвистик элементлардан келиб чиқиб топа олиш;
- нутқни тўғри лексика ҳамда лингвистик элементлар орқали жазибалий ва ифодала қилиш;
- сўз ясовчи лингвистик элементлар орқали гапни мазмунли қилиш;
- лексик захирани етишмаслигини бошқа усуллар билан тўлдира олиш;
- нутқда лексикани ўзи тўғирлай олиш ва сўз ясалишини бошқара олишга эришиш;

Испан тили лингвистик элементларини танлаш, хусусан, уларнинг мунтазамлик даражасини аниқлаш асосида амалга оширилади. Бунинг учун биз испан тили кўрпуси материалларида келтирилган О.С.Суарес, Ф.Х.Риуаветс, Х.К.Агъяр ва Г.Родригесларнинг, испан тилининг префикс морфолексик муносабатларини белгиловчи 134109 дан зиёд мисолларини таҳлил қилиш асосидаги тадқиқотларида келтирилган маълумотлардан фойдаланамиз. Шунингдек, биз испан тили кўрпусининг суффикслар луғатида келтирилган маълумотлардан фойдаланамиз. (*El Diccionario de sufijos de la lengua española (DISULE)*). URL: <http://www.sufijos.lli.ulaval.ca/>). Унда 29 000 дан ортиқ испанча сўзларнинг расмий таркибий қисмлари бўйича таҳлил тақдим этилган ва функционал, категорик ва лексик хусусиятлар ва уларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари келтириб ўтилган.

Бизнинг назаримизда испан тили лексикасини нутқда ишлатишда транспозиция жараёнини тавсифловчи ҳамда функционаллик хусусиятига эга лингвистик элементлар (аффикслар) ни билиш алоҳида аҳамият касб этади бинобарин лексикани ўргатиш бу сўз ишлата олишни эгаллашдир. Сўзни ишлатиш бу фақатгина сўзларни билишни эмас балки улардан ўз нутқида фойдалана олиш ва бошқаларнинг ҳам нутқида уни тушуна олишни талаб қилади. Бизнинг вазифамиз лексикани талабаларнинг хотирасида узоқ вақтга қолишини, зарур пайтда улардан фойдалана олишни, сўзни нутқ фаолиятига тўғри кирита олишни таъминлашдир.

Олийгоҳлардан бакалавр талабалар ўқув соатлари ва режаларидан келиб чиққан ҳолда чэт тилни билиши учун маълум бир сондаги сўз билишлари

керак. Шунинг учун лексикани танлаш мураккаб илмий жараён ҳисобланади ва танлашнинг самарали усуллари талаб қилади. Лексик материал ҳажми учун аниқ талаблар мавжуд. Олий ўқув юрти дастурига мувофиқ фаол лексик минимум ўқишнинг бошидан охиригача маълум бир сондаги лексик бирликни ташкил этади. Мана шу миқдор CEFR талабларига (B2,C1) мос келади ва чет тилда эркин мулоқот қилиш имконини беради. Испан тилида берилган Лексик компетенция тушунчаси ҳақидаги баъзи бир фикрларни келтириб ўтишни ҳам жоиз деб топдик. Гомез Молина, Хосе Рамон каби методистларнинг ишларини таҳлил қилиши натижасида қуйидаги фикр билдирилади. “Concepto de competencia léxica para Lahuerta y Pujol (1996: 121) “la capacidad para relacionar formas con significados y utilizarlas adecuadamente se denomina competencia léxica, y al lugar donde reside el conocimiento de esa competencia se le denomina lexicón mental”. La competencia léxica en el currículo de español para fines específicos (EPFC) el Marco de referencia común europeo (Council of Europe, 2001: 126-131) define la “competencia léxica como el conocimiento del vocabulario de una lengua y la capacidad para utilizarlo; posteriormente, señala que la competencia semántica comprende la conciencia y el control de la organización del significado que posee el alumno”. Ёки лексик захирани ошириш муҳимлиги тўғрисида испаниялик бошқа мутахассислар М.<sup>а</sup> Pilar Núñez Delgado ва Cristina del Moral Barrigüete қуйидаги илмий таҳлилни келтирадилар. “Tradicionalmente se ha venido produciendo una identificación bastante arraigada en el ámbito escolar entre conocimiento del vocabulario y dominio de la lengua en general, y así, una de las frases más habituales de los profesores para sintetizar las carencias en el dominio de la lengua propia o extranjera suele ser la de “Tienen muy poco vocabulario”, que viene a expresar la creencia de que un manejo amplio y preciso del léxico garantiza la posesión de destrezas comunicativas suficientes.(Pérez Basanta, 1999). Шундай қилиб бир лексик бирликни ўзлаштириш бир неча бўлимлардан ташкил топади:

- а) эшитганда лексик бирликни тушуниш ва уни талаффуз эта олиш,
- б) лексик бирликни ёзув шаклини билиш ва уни ёза олиш,
- в) лексик бирликни морфологиясини тўғри ифодалай билиш,
- г) лексик бирликни бир неча маъноларини билиш ва контекстга мослаб тўғри ишлата олиш,
- д) грамматик категориясини билиш,
- е) лексик бирликни синтактик туза олишини билиш,
- ж) лексик бирликни маъно (синонимлар, омонимлар) жиҳатдан ишлата олиш,
- з) лексик бирликларни бирикмаларда ишлата олиш,
- и) тез-тез ишлатилиш соҳасини билиш,
- к) лексик бирлик қандай маданий ахборотни етказа олаётганлигини билиш,

л) бошқа тилларда унинг эквивалентларини билиш.

Хулоса қиладиган бўлсак бу руйихат Лексик компетенциянинг асосий тамойилларини ўз ичига олади. Virginia De, Alba Quiñonesлар Лексик компетенцияга “el conocimiento del vocabulario de una lengua y la capacidad para utilizarlo” (2002:108) дея таъриф берадилар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак лексик компетенцияни ўргатишда лингвистик луғатларнинг асосий турлари, улардаги сўзнинг маъно тузулиши, тилнинг актив ва пассив лексикаси, янги ўзлаштирилган сўзлар идиомаларнинг таржимаси, янги сўзлар ясалиши ва мано хосил бўлишида лингвистик элеменларнинг транспозицион, функционал, мутацион, хусусиятлари ва бошқа жиҳатлар жуда муҳим ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Alba Quiñones, Virginia De. La competencia léxica. una propuesta de actividades sobre los campos léxicos para las clases de ELE. Revista didáctica Español.[http://marcoele.com/descargas/13/alba-competencia\\_lexica.pdf](http://marcoele.com/descargas/13/alba-competencia_lexica.pdf)
2. Ачилов Ш. ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯНИНГ КОММУНИКАТИВЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАМОЙИЛЛАРИ // Interpretation and researches. - 2023. - Т. 1. - №. 5.
3. Ачилов Ш. Ш. Ў., Ачилова М. Ш. Қ. Лексик компетенция ҳамда коммуникатив компетенция масаласига доир баъзи фикр ва мулоҳазалар // Science and Education. - 2022. - Т. 3. - №. 7. - С. 157-163.
4. Achilov S. ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИСПАН ТИЛИ АФФИКСЛАРИНИНГ ТРАНСПОЗИЦИОН ВА ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ (ИСПАН ТИЛИ МИСОЛИДА) // Science and innovation. - 2022. - Т. 1. - №. В6. - С. 682-688.
5. El Diccionario de sufijos de la lengua española (DISULE). URL: <http://www.sufijos.lli.ulaval.ca>
6. Canale, M. and Swain, M, 1980. Theoretical Bases of Communicative Approaches to Second Language Teaching and Testing. Applied Linguistics Vol I Chomsky, N; 1965. Aspects of the Theory of Syntax. Ambridge, Mass, MIT.
7. La competencia léxica en el currículo de español para fines específicos (EpFC) José Ramón Gómez Molina. [http://cvc.cervantes.es/ensenanza/biblioteca\\_ele/ciefe/pdf/02/cvc\\_ciefe\\_02\\_0009.pdf](http://cvc.cervantes.es/ensenanza/biblioteca_ele/ciefe/pdf/02/cvc_ciefe_02_0009.pdf)
8. Suárez O.S., Carreras Riudavets F.J., Pérez Aguiar J.R., Rodríguez G.R. Relaciones morfológicas prefijales del español // Procesamiento del Lenguaje Natural. URL: [http://www.gedlc.ulpgc.es/art\\_ps/art36.pdf](http://www.gedlc.ulpgc.es/art_ps/art36.pdf).
9. Sharibjon o'g'li A. S. et al. Lexical Competence as a Component of Communicative Competence // Miasto Przyszłości. - 2022. - Т. 25. - С. 202-204.

10. Фомина Т.Д. Методика отбора английской лексики для средней общеобразовательной школы: автореф. дисс. ... канд. пед. наук 13.00.02/Т.Д. Фомина. - М., 1991. - 210 с.

11. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам).- М.:Издательство ИКАРЮ.Э.Г.Азимов, А.Н.Щукин.2009.

12. Павлова, Л.П. Формирование иноязычной лексической компетенции у студентов экономического вуза / Л.П. Павлова // Инновационные образовательные технологии. - 2011. - №2. - С. 44-50.